

МАЗМУН

ТИЛ ҲАМ ӘДБИЯТ

Shirnazarova Z.A. Xorijiy tillarni o'qitishda madaniyatlararo muloqot kompetensiyasini rivojlantirish

Ishmatova O.S. Fonetik ritmika maxsus metodikalarining ritmika va logoritmikadan farqli jihatlari

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Абидова Н.З. Таълимий инклюзия шароитида касбий-педагогик фаолият хусусиятлари

Yunusova X. Sh. Inklyuziv ta'lim O'zbekistonda insonparvar ta'lim shakli sifatida

Қурбанова М.Э. Органик кимё дарсларида педагогик методлардан фойдаланишни ўргатиш

Кобилова Ш.Х. Педагогик инновацион таълим кластер асосида халқ таълимида инклюзив муҳитни яратиш юзасидан ижтимоий-педагогик ёндашув

Dehqonova M. G'. Bo'lajak maxsus pedagoglarni kasbga qiziqishini oshirish yo'llari

Гаюпова С.Х. Замонавий талаба шахсини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари

Sayfullayeva I .Q. Bo'lajak logopedlarni kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishning huquqiy-me'yoriy asoslari

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Abdumajitov A. Manzara janrining tasviriy san'atdagi o'rni va O'rol Tansiqboyev ijodi

Abdujalilova Sh.A. Oliy ta'lim muassasalari o'ituvchilarining pedagogik tasavvur va uning fazilatlarini

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Рузиқулович Б.Ж. Физиканинг "Механика" бўлимига оид турли типдаги ностандарт масалаларни ечиш методикасининг назарий асослари

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Pulatxo'jaeva M. R. Nutqida nuqsoni bo'lgan bolalarda nafas funksiyasini va nutqiy nafasini rivojlantirish

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

Buvorayeva G.Sh. Xotin-qizlar salomatligini mustahkamlashda jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarining nazariy asoslari

Нигматуллаева Д., Рахимбердиев Ж., Қўзиева Ф. Олий таълим талаба - ёшларига кураш халқаро мусобақа қоидаларини ўргатишнинг педагогик шарт шароитлари хусусида

Nazarov A. I. Umumta'lim maktablarida voleybolchilarni tayyorlash jarayonining individual va pedagogik xususiyatlari

Shomuratov A.A. Pedagogik ta'lim tizimida talabalarning jismoniy va maxsus tayyorgarligini oshirish

Yusupov E.T. Kurash sportining rivojlanish tarixi

Abdunabiyev B. Voleybol o'yinida 13-14 yoshli o'quvchilarda texnik taktik tayyorgarlikka o'rgatishda harakatli o'yinlardan foydalanish

Абдулахатов А.Р., Рахимбердиев Ж., Нигматуллаева Д. Олий таълимда кураш фанини ўқитишнинг амалиётдаги ҳолати ва ўргатиш босқичлари

Органик кимё дарсларида педагогик методлардан фойдаланишни ўргатиш

Қурбанова М.Э.

ЧДПУ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: муаммоли метод, амалий метод, кузатиш метод, тажриба, ўқувчи, мураккаб, билим, кўникма, таҳлил.

Органик кимё дарсларида *амалий метод* ўқитиш жараёнида кўргазмали, муаммоли, оғзаки методлар билан уйғунлашган ҳолда қўлланилади. Бу методлар гуруҳига кузатиш, тажрибани ташкил этиш ва ўтказиш, амалий ишни бажариш, мавзуларга доир тест, масала ва машқлар ечиш методлари киради. Мазкур методлар мос ҳолда, органик моддаларни таниб олиш ва аниқлаш, кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, ўқувчиларга амалий ишнинг боришини баён қилиш, амалий ишларни бажариш режасини тузиш, амалий иш топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш, топшириқларни бажариш натижаларини таҳлил қилиш, ўзини-ўзи назорат қилиш, амалий иш, кузатиш ва тажрибаларни яқунлаш ва расмийлаштиришдан иборат бўлади.

“Органик кимё” дарсида ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибаларини таркиб топтириш мақсадида ўқитувчининг *муаммоли изланиш методлари*дан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Дарс давомида изчил ва мақсадга йўналтирилган ҳолда вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларини янги вазиятларда қўллаш орқали ўқув материални фаол ўзлаштиришига хизмат қилади.

Бу методлар гуруҳи ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал этишнинг энг маъқул йўлини топиши, мўлжални тўғри олишига замин тайёрлайди ва кимё ўқитувчисидан мавзуга доир муаммоли вазиятларни яратиш, муаммоли саволлар ва мураккаб тест (кўп жавобли) саволларини тузишни тақозо этади.

Ўқувчилар фаолияти муаммоли топшириқларни бажариш ва тажрибалар ўтказиш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш юзасидан ўқув фаразларини ҳосил қилиш, ўқув фаразларини исботлаш, объектларни таққослаш, мантикий мулоҳаза юритиш, ўқув-тадқиқот тажрибаларини ўтказиш, мураккаб тест саволларини тўғри таҳлил қила олиши, ўқув хулосалари ва умумлаштириш таърифларини шакллантиришга йўналтирилади.

Мактаб ўқувчиларида мустақил ва мантикий фикрлашни ривожлантиришда *ўқитишнинг мантикий методлари* муҳим ўрин тутди. Мазкур методлар дарсда ўрганиладиган ўқув материали мазмунининг йўналишини белгилаб, ўқувчиларга бош ғояни ажратиш, ўрганилаётган объектни таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш кўникмалари, ақлий фаолият усулларини эгаллаш, абстракт тафаккурни ривожлантириш, сабаб-оқибат боғланишларни англашга имконият яратади.

Бу методлар гуруҳига кирувчи *индуктив метод* - хусусий далилларни муаммоли баён қилиш, ўқувчилар фаолиятини хусусийдан умумий хулосалар чиқаришга йўналтириш, муаммоли топшириқларни бериш имконини беради.

Агар ўрганиладиган мавзу *дедуктив* мантикий йўналишга эга бўлса, аксинча, дарсда аввал умумий тушунчалар баён қилинади, ўқувчиларнинг фаолиятини умумийдан хусусий хулоса чиқаришга йўналтирилади.

“Органик кимё” жараёнларни ўрганишда *таҳлил методидан* фойдаланилади. Мазкур метод кимёвий жараёнлар ҳақидаги ахборотларни англаб идрок этиш, ўрганилган жараёнларнинг ўхшашлик ва фарқли томонларини аниқлаш, ўрганилган жараёнларни таркибий қисмларга ажратиш, улар ўртасидаги боғланишларни аниқлаш имконини беради.

Мактаб ўқувчиларида мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда мантикий метод таркибига кирувчи *бош ғояни ажратиш методи* ўқув материалидаги асосий ғояни ажратиш ва саралаш, ахборотни мантикий тугалланган фикрли қисмларга ажратиш, асосий ғоя ва иккинчи даражали фикрларни ажратиш, таянч сўзлар ва тушунчаларни ажратиш, асосий фикр ҳақида хулоса чиқариш имконини беради [4].

Органик кимё жараёнлар, хусусан, органик моддаларни ўрганишда, органик моддаларнинг тузилишини таҳлил қилиш, улардаги ўзгаришларни *қиёслаш методи* ёрдамида ўрганиш тавсия этилади. Мазкур жараёнда ўқувчилар фаолияти қиёсий объектларнинг асосий белгиларини аниқлаш, таққослаш, ўхшашлик ва фарқларни қиёслаш натижаларини шартли белгилар билан расмийлаштиришга қаратилади.

Ўқувчиларнинг фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришда далилларни умумлаштириш учун ўқитувчи *умумлаштириш методидан* фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Мазкур метод ўқувчиларнинг ўрганилган ўқув материалидаги типик далилларни аниқлаш, қиёслаш, дастлабки хулосалар, ҳодисанинг ривожланиш динамикасини тасаввур қилиш, умумлаштириш натижаларини кимёвий белгилар билан белгилаш имконини беради.

Мактабларнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда *мустақил иш методлари* муҳим аҳамият касб этади. Ушбу метод ўқувчиларнинг кимёвий объектлар, таълимий дастурлар воситасида тайёрланган анимациялар, мультимедиа, дарслик устида мустақил ишлаш, кимёдан масала ечиш ва машқлар ҳамда тест топшириқларини бажариш имконини яратади.

Кимёни ўқитишда академик Ю.Бабанский томонидан тавсия этилган ўқитишни *рағбатлантириш ва асослаш методидан* фойдаланиш яхши самара беради. Мазкур метод таълим жараёнида ўқитувчи кимё фанини яхши ўзлаштирган ўқувчиларни рағбатлантириш орқали янги ўқув материални яхши ўзлаштири олишларига эришади. Мазкур методлар ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишлари, ақлий фаолликлари, янги билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжлари, мулоқот маданияти, ўзини-ўзи назорат қилиш ва бошқариш, баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлайди. Шунингдек, таълимнинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ўқувчиларда онгли интизом, бурч ва маъсулиятни таркиб топтиради [3; 4].

“Органик кимё” фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишни *орттириш методидан* фойдаланиш учун ўқитувчи ҳар бир мавзу учун қизиқарли аналогияларни саралаш ва таълим-тарбия жараёнида ўз ўрнида фойдаланиш орқали ўқувчиларда таажжубланиш самараси ва билиш қувончини вужудга келтириш, фаол иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантириш, таълим самарадорлигини орттиришга хизмат қилади.

“Органик кимё” дарсларида ўқувчиларнинг қизиқишларини орттириш, аввал ўзлаштирилган билимларни янги вазиятларда қўллашга замин тайёрлаш мақсадида локал даражада *дидактик-ўйин методидан* фойдаланиш тавсия этилади. Мазкур методдан фойдаланиш учун ўқитувчи “Органик кимё” фанига мос ўйин сюжетини танлаш, ўйин вазиятларини вужудга келтириш, ўқув-билишга оид ўйинларни танлаш, ўқувчиларни рағбатлантириш йўллари белгилаши зарур.

Ўқувчиларнинг аввалги мавзуларда ўзлаштирилган билимларни янги вазиятларда қўллашга замин тайёрлаш мақсадида органик кимё дарсларида *ўқув мунозаралари методидан* фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун ўқитувчининг ўзи мавзуга доир ўқув баҳсларини келтириб чиқарадиган вазиятни яратиш, илмий баҳсларни вужудга келтириш кўникмаларини эгаллаган бўлиши лозим. Мазкур жараёнда ўқувчилар фаолиятини ўқув баҳсида муваффақиятли иштирок этишга йўллаш, ўқувчилар баҳс муаммосига доир фикрларини баён қилиш имкониятини яратиш, улар жавобидаги типик хатоларни тўғрилаш, ўқувчиларни рағбатлантириш зарур бўлади.

Ўқувчиларнинг кимё ўқув фани бўйича белгиланган ДТС даги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик даражаси, кимё таълими самарадорлигини аниқлашда ўқитишдаги назорат ва *ўзини-ўзи назорат қилиш методлари* муҳим аҳамият касб этади [5]. Шунинг қайд этиш лозимки, назорат таълим жараёнининг ажралмас қисмларидан бири саналади. Назоратнинг мунтазамлиги ва изчиллиги ўқувчиларни фаол ақлий меҳнат қилишга ундайди, уларда масъулият, бурч, диққат, хотира, ўзини-ўзи назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлайди.

Юқорида қайд этилган методлар ўқувчиларнинг органик кимё ўқув фани бўйича белгиланган ДТС даги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш баробарида, уларнинг шахс сифатида ривожланиши, таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини тушуниши, ўқувчиларнинг ўқув мақсадлари ва талаблари асосида ўз ўқув фаолиятини ташкил этиш, ўқитишда рағбатлантиришнинг устунлиги ўқувчиларнинг фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттириш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Авлиёкулов Н.Х. “Ўқитишнинг модули ва педагогик технологиясининг амалий асослари”. Б.: “Бухоро”. 2000. 199 бет.
2. Абдуқодиров И.Р, Пардоев А.А. “Таълимда инновацион технологиялар”. Т.: “Истеъдод”. 2008. 180 б.
3. Ишмуҳаммедов Р., Йўлдашев М. “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар”. (Таълим тизими ходимлари, методистлар, Ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун Ўқув қўлланма)-Т: “Истеъдод”. 2013. 279 б.
4. Йўлдашев Ж.Г, Усмонов С.А. "Замонавий Педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш." . Т.: “Фан ва технология”. 2008 . – 132 б.
5. Нишонов М, Ш. Мамажонов, В. Хўжаев. “Кимё Ўқитиш методикаси”. Т.: “Ўқитувчи”. 2002. 88 бет.
6. Нишонов М. «Кимёни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари» // 2012. 179-б.
7. Раҳматуллаев Н.Г., Зайлобов Л.Т. “Металларда содир бўладиган коррозия жараёнларини ўқитиш методикасини ахборот технологияси асосида такомиллаштириш” //шу туплам, - Т.: 2002, 217-б.
8. Раҳматуллаев Н.Г., Исмоилова Х.М. “Металларнинг умумий хоссалари” мавзусини ўқитиш методикасини интерфаол методлар ёрдамида такомиллаштириш»// туплам, - Т.: 2002, 229-б.
9. Mamatkulov R. S, Jumayev A.T, Juraboev A.B Kurbanova M.E. Features and application of the cluster method of its organizations in lessons in secondary school and higher pedagogical institutions. International Journal on Integrated Education 2020.March,Volume3,Issue III,pp90-94,Indonesia

Аннотация: Органик кимё дарсларида педагогик методлардан фойдаланишни ўргатиш ҳақида қисқача мазмун ёритиб берилган.

Педагогик инновацион таълим кластер асосида халқ таълимида инклюзив муҳитни яратиш юзасидан ижтимоий-педагогик ёндашув

Кобилова Ш.Х.

Чирчиқ давлат педагогика
университети Педагогика факультети,